

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ**

**БУРХОНОВА ГУЛРУХ ШУХРАТОВНА**

**МАЖБУРИЙ ИЖРО ТИЗИМИ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИ  
ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ:  
ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

12.00.07. – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини  
ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

**Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (PhD) dissertation**

**Бурхонова Гулрух Шухратовна**

Мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш  
масалалари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил .....3

**Бурхонова Гулрух Шухратовна**

Вопросы правового обеспечения управленческой деятельности системы  
принудительного исполнения: сравнительно-правовой анализ.....25

**Burkhonova Gulrukh Shukhratovna**

Issues of legal support of the management activities of the enforcement system:  
a comparative legal analysis .....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ**

**БУРХОНОВА ГУЛРУХ ШУХРАТОВНА**

**МАЖБУРИЙ ИЖРО ТИЗИМИ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИ  
ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ:  
ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

12.00.07. – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини  
ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Yu434 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<https://proacademy.uz>) ва “ZiyoNET” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Пулатов Бахтиёр Халилович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Джўраев Ихтиёр Бахтиёрович**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Давлятов Валишер Хакимжанович**  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Жамоат хавфсизлиги университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.у.67.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йилнинг “21” декабрь куни соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 42. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Бош прокуратура Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 42, e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил 7 декабрда тарқатилди.

(2022 йил 7 декабрдаги 18-рақамли реестр баённомаси).

**Д.М.Миразов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

**Л.Ҳ.Исоқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент

**Ф.Х.Рахимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминланишида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилиши муҳим аҳамият касб этади. Халқаро суд ижрочилар иттифоқи томонидан 89 та давлатларнинг миллий ташкилотларини бирлаштирган ҳолда мажбурий ижро этиш органлари фаолиятини мустаҳкамлашга қаратилган ғоялар, лойиҳалар ва ташаббусларни илгари сурилиши, суд ижрочиларнинг ўз вазифаларини қонунга асосан бажариш билан бир қаторда суд қарорларини юқори самарадорлик билан ижро этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйилганлиги<sup>1</sup> ҳам мажбурий ижро этиш касбига қаратилаётган эътибордан далолат беради. Бинобарин, суд қарори ижро этилганида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатлари тикланиб, адолат қарор топади.

Жаҳонда суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатлари ижросини ўз вақтида, самарали ва сифатли таъминлаш, ижро иши юритишда тарафларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарурий майдонни яратиш ҳамда ижро иши юритишда бошқарув фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда Мажбурий ижро бюроси органлари ташкил топгандан буён жами 94 трлн., шундан давлат фойдасига 39 трлн., тадбиркорлик субъектлари фойдасига 42 трлн., фуқаролар фойдасига 5 трлн. сўм амалда ундириб берилди<sup>2</sup>. Амалга оширилаётган ижобий ютуқларга қарамаздан мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини амалга ошириш механизмида ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, 2022 йил 10 ойи давомида Мажбурий ижро бюросининг бошқарув фаолияти субъектлари томонидан жами 2 980 393 та (2021 йилда 3 663 000 та) тамомланган ижро ҳужжатлари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг 180 781 таси (2021 йилда 37 094 таси) бекор қилинган<sup>3</sup>. Бекор қилинган қарорлар сони кўплиги, бироқ уларнинг бекор қилиш механизми ва процессуал тартиби суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишга оид қонунчиликда ўз аксини топмаганлиги, шундан биргина ижро иши юритиш фаолиятини тартибга солишга қаратилган 50 дан зиёд қонун ва қонун ости ҳужжатларининг мавжудлиги, мажбурий ижро тизимининг бошқарув фаолиятининг тизимли олиб борилишига маълум даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт

<sup>1</sup> Халқаро суд ижрочилар иттифоқининг расмий сайти: Электрон манбаа: <https://www.uihj.com/about-us/introduction/> (мурожаат вақти: 18.08.2022).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Назоратни ташкиллаштириш, статистика ва таҳлил булимининг ҳужжатлар йигмажилди (07-09)

<sup>3</sup> Ўша манбаа.

стратегиясида “фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, одил судлов тизимини такомиллаштириш масалалари билан бир қаторда, суд қарорларини ижро этиш соҳасини ривожлантириш” вазифаси алоҳида белгиланди<sup>4</sup>.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда қабул қилинган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сон, 2017 йил 29 майда қабул қилинган “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5059-сон, 2020 йил 24 ноябрда қабул қилинган “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6118-сон Фармонлари, 2017 йил 30 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3016-сон, 2017 йил 20 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш марказини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПҚ–3070-сон, 2019 йил 12 мартда қабул қилинган “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4236-сон Қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Диссертация тадқиқотининг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.“Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда ижро иши юритишга боғлиқ айрим масалалар Авезов К.С., Мамасиддиқов М.М., Рустамбаев М.Ҳ., Рустамбеков И.Р., Сулейманова А.М., Тухташева У.А., Умаралиев В.Э., Ходжиев Ю.А., Холбаев С.Б., Ўразалиев М.Қ., Шорахметов Ш.Ш., Эгамбердиев Э.Э., Эсанова З.Н. ва бошқа олимлар томонидан илмий тадқиқот даражасида ўрганилган. Жумладан, Шорахметов Ш.Ш., Мамасиддиқов М.М. ва Тухташева У.А. ижро иши юритишни ҳуқуқ соҳасидаги ўрнини, Эсанова З.Н. суднинг ҳал қилув қарорини ижро этишнинг ҳуқуқий асосларини илмий тадқиқот даражасида

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси» ПФ-60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон

ёритган. Ходжиев Ю.А. эса “Суд қарорларини мажбурий ижро этиш шартлари ва тартиби” мавзусида илмий тадқиқот олиб борган.

МДҲга аъзо давлатларда мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини такомиллаштириш масалаларининг айрим жиҳатлари Агеев А.Х., Артемьева Ю.А., Акчабаев Ш.К., Абайдельдинов Е., Брановицкий К.Л., Валеев Д.Х., Воронов Е.Н., Горбунова Я.П., Гуреев В.А., Гурьев О.П., Дмитриев В.В., Исаенкова О.В., Зайцев И.М., Захаров В.В., Клепникова М.А., Кузнецов Е.Н., Марданов Д.А., Морозова А.М., Мусин М., Решетникова И.В., Саттарова З.З., Сергеев М.С., Сергеева С.Л., Семенова С.И., Стрельцова Е.Г., Сергиенко Н., Трошина Н.В., Филиппов М.К., Челышев М.Ю., Юков М.К., Ярков В.В. ва бошқа олимларнинг илмий ишларида муайян даражада ўрганилган.

Хорижлик олимлардан J. Schneider (Германия), Зденек Охонски (Чехия), Ян Скумал (Чехия) ва бошқалар томонидан мазкур мавзунинг муайян масалалари тадқиқ этилган<sup>5</sup>.

Юқоридагиларга қарамасдан, таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасида мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш масалалари шу вақтгача комплекс тадқиқ этилмаган, алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режасидаги “Мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш масалалари” мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини таъминлаш масалалари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон ҳудудида мажбурий ижро этиш органларининг шаклланиши ва тарихий ривожланишини тадқиқ этиш;

мажбурий ижро тизими бошқарув фаолияти мазмун моҳиятини очиб бериш;

мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини ўрганиш;

мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини ҳуқуқий асосларини қиёсий таҳлил этиш;

ижро тизими бошқарув фаолияти механизми юзасидан хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил этиш;

прокурор назоратини мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини муҳим таркибий элементи сифатида очиб бериш;

мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини ҳуқуқий такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

---

<sup>5</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятида соддалаштирилган усулнинг ўрнини очиб бериш;

мажбурий ижро тизими бошқарув фаолияти устидан прокурор назоратини тадқиқ этиш.

**Тадқиқот объекти** мажбурий ижро тизими бошқарув фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий таъминлаш масалаларига доир ижтимоий ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш масалаларини ташкилий-ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда амалий таҳлил, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, социологик (анкета сўровлари), статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, кузатув, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мажбурий ижро тизимида автоматлаштирилган бошқарув ёрдамида ижро иши юритиш тарафларининг ижро ҳужжатидаги маълумотларни олишда электрон почтага ёхуд мобил телефонга қисқа хабар (SMS) тарзида юборилиши зарурлиги, бу билан фуқароларнинг ҳуқуқларига белгиланган процессуал муддатларда риоя этилиши исботланган;

мажбурий ижро тизими бошқарув субъектларига давлат ижрочиларнинг ижро ҳаракатларини мунтазам кузатиб бориши ҳамда мажбурий ижро тизими ходимлари фаолиятини самарали ташкил этишда автоматлаштирилган бошқарув орқали кенг фойдаланиш имкони жорий этиш ҳамда Мажбурий ижро бюроси органлари томонидан қўзғатилган ижро ишлари тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилиши зарурлиги асослантирилган;

мажбурий ижро тизимининг автоматлаштирилган бошқаруви орқали айрим тоифадаги ижро ҳужжатлари учун соддалаштирилган тартибда ижро иши юритиш қоидаларни белгилаш зарурлиги асослантирилган;

мажбурий ижро органлари ўз фаолиятини марказлашганлик тамойилига мувофиқ қуйи турувчи раҳбарларнинг юқори турувчи раҳбарларга бўйсунуши ва ҳисобдорлиги асосида амалга ошириши, шунингдек ходимларга нисбатан ўтказилган хизмат текширувлари хулосаларининг, улар юзасидан қабул қилинган қарорларнинг асослилиги ҳамда ходимларга нисбатан қўлланилган интизомий чораларнинг қонунийлигини ўрганиш Бош прокуратура бошқармалари томонидан амалга оширилиши асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда қонунлар ижроси устидан прокурор назорат предмети тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

прокуратура органларида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ишларни самарали ташкиллаштириш мақсадида

айрим хорижий давлатларнинг (Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси) қонун ҳужжатлари таҳлил этилиб, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида “МІВ portal” платформаси орқали прокурорлар учун шахсий кабинет жорий этиш ва ушбу шахсий кабинет орқали тегишли вилоят ёки туман (шаҳар) давлат ижрочиларининг ижро ҳужжатлари бўйича прокурор назоратини амалга ошириш имконини жорий этиш таклифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунига “Ижро ҳужжатларини ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибида ижро этишнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган янги боб ишлаб чиқилган;

Мажбурий ижро тизими бошқаруви мансабдор шахслари (Бош давлат ижрочилар ва уларнинг ўринбосарлари) томонидан давлат ижрочисининг қарорини бекор қилиш процессуал тартиби ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.**

Ушбу тадқиқот натижалари миллий қонунчилик ва хорижий давлатларнинг қонунни қўллаш тажрибасини ўрганиш асосида ҳамда социологик тадқиқотлар, тадқиқот доирасида анкета сўровномаси натижалари (350 га яқин давлат ижрочилар ва суриштирувчилар ўртасида ўтказилган), статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ҳамда олинган хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, эришилган натижалар етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган, амалиётга жорий қилинганлиги ваколатли органлар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасининг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар “Ижро иш юритуви”, “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” ва “Прокурор назорати” фанларини ривожлантиришга хизмат қилади. Илмий изланишлар натижасида ишлаб чиқилган хулосалардан келажакда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, юриспруденция йўналишидаги олий ўқув юртларида дарс ўтиш ва методик тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек ушбу тадқиқот иши суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш назариясини ривожлантиришга хизмат қилади, илмий изланишлар натижасида ишлаб чиқилган хулосалардан келажакда олий ўқув юртларида дарс ўтиш ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқилганда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти келгусида мажбурий ижро тизими бошқаруви мансабдор шахсларининг фаолият механизмининг тартибга солувчи нормаларни ишлаб чиқиш орқали амалиётни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қоида ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишга хизмат қилишида ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

ижро ҳужжатида ундирувчининг ёки қарздорнинг электрон почта манзили ёки мобил телефонининг рақами мавжуд бўлган тақдирда (агар улар судга ёки ижро ҳужжатини берган бошқа органга (мансабдор шахсга) тақдим этилган бўлса), ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги билдиришнома унинг жўнатилганлиги ва қабул қилиб олинганлиги фактларини қайд этиш имконини берувчи махсус автоматлаштирилган тизимдан фойдаланган ҳолда электрон почтага ёхуд мобил телефонга қисқа хабар (SMS) тарзида юборилиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 22<sup>1</sup>-моддаси тўртинчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 9 августдаги 24-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши ундирувчининг ёки қарздорнинг ижро ҳужжатидаги маълумотларни олишида ҳамда мажбурий ижро ҳаракатлари ҳақидаги маълумотлардан ўз вақтида хабардор бўлишлари учун хизмат қилган;

Мажбурий ижро бюроси органларининг фаолиятини ташкил этиш, ушбу органларнинг вазифалари ва функциялари, шунингдек Мажбурий ижро бюросида хизматни ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланиши, шунингдек, ижро ишларини юритиш, шу жумладан уларни шакллантириш, ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланиши, Мажбурий ижро бюроси органлари томонидан қўзғатилган ижро ишлари тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилиши тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 89<sup>1</sup>-моддасини янги таҳрирда ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 9 августдаги 24-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши Мажбурий ижро бюросининг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилашга хизмат қилган;

айрим тоифадаги ижро ҳужжатларини соддалаштирилган тартибда ижро этиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг “Ижро ҳужжатларини ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибида ижро этишнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган 3<sup>1</sup>-боби ишлаб чиқилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2022 йил 23 апрелдаги 11-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши айрим тоифадаги ижро ҳужжатларини автоматлаштирилган бошқарув ёрдамида соддалаштирилган тартибда ижро этилишини белгилашга хизмат қилган;

Мажбурий ижро бюроси органларининг қуйи турувчи раҳбарларининг юқори турувчи раҳбарларга, шунингдек, Бош прокурорга бўйсунishi ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатиши, Бюро ходимлари томонидан қабул

қилинган қарорларнинг асослилиги ҳамда ходимларга нисбатан қўлланилган интизомий чоралар қонунийлигини ўрганиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 28 декабрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 128-сонли буйруғининг 6<sup>2</sup>-банди учинчи хатбошисига ўзгартиш киритишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 16 августдаги далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши прокурорлар томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этилишидаги прокурор назоратини тўғри ташкил қилинишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу диссертация тадқиқоти натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та ҳалқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация тадқиқоти мавзуси бўйича 13 та илмий мақола, шу жумладан илмий журналларда 7 та (улардан 2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, ўн та параграфни ўз ичига олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертацияси аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини ҳуқуқий таъминлашнинг умумий тавсифи”** деб номланган биринчи бобида диссертант мажбурий ижро тизимининг тарихини ўрганиш орқали, бугунги кунда мажбурий ижро тизими давлат модели сифатида шаклланишида тарихий тамойиллар асос бўлганлигини исботлаб берган.

Тадқиқот ишида ўрта асрлардаги Ислом давлатларида қози ва қозилик институти мавжуд бўлиб, қозининг қарорлари муҳтасиб томонидан ижро этилганлиги, муҳтасиб фаолият юритадиган ҳудуд доираси *“муҳтасибат”*

деб номланганлиги ва улар ўз ўрнида қозиликларга бўйсунганлиги кўрсатиб берилган.

Диссертант манбаларнинг таҳлили асосида ўзбек давлатчилиги тараққий этиш даври мобайнида суд ҳужжатларини ижро этиш миқдорларнинг ваколатига кирганлигини, бироқ бу уларнинг асосий вазифаси ҳисобланмаганлигини, чунки улар мамлакатда қонун талабларига риоя қилиниши устидан назорат, жинойтларни тергов қилиш ва тарафлар ўртасидаги тортишувларни ҳал қилишдан иборат бўлганлигини таъкидлайди.

Ўрта асрларда (XV-аср охиридан XVII-аср охиригача) Рус давлатчилигида суд ва ижро ишлари “Судебник Ивана Великого” (1497) қонунлар тўпламига асосан олиб борилган. Унда суд приставлари лавозими белгиланган бўлиб, уларнинг асосий вазифаси суд жараёнидаги тартиб-интизомга жавобгар ҳисобланиш билан бир қаторда суд чиқарган қарорларнинг ижросини ҳам таъминлаган.

Эътиборли жиҳати шундаки, приставлар суддан мустақил ҳисобланмаган. Бошқарув жиҳатдан приставлар бевосита судлар таркибида бўлиб, судьяларга бўйсинган ва улар олдида ҳисобдор бўлган. Приставларнинг бошқарув фаолиятини тартибга солиш масалалари 1649 йилда (Соборное Уложение) Собор Тузуқлари билан ҳам тартибга солинган.

Ўрта асрларда Европа давлатларида ҳам суд ижрочилари Рус давлати приставлари сингари бевосита суд бошқаруви таркибида бўлган. Улар “bailiff”, “bailli” каби номлар билан аталган. Улар суд қарорларини ижро қилиш билан бир қаторда ўзларига бириктирилган ҳудудлар доирасида солиқлар ва ижара тўловлари учун пулларни йиғиш фаолияти билан ҳам шуғулланишган.

Шу билан бирга, диссертант ижро тизимининг тарихини архив ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда тадқиқ қилган. Бунда ижро тизими фаолиятини амалга оширишга ҳуқуқий асос бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил этилиб, Ўзбекистон ССР ташкил топилгунга қадар суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш соҳасида, ижро этиш қоидаларини тартибга солувчи норматив ҳужжат мавжуд бўлмаганлиги маълум бўлган. Фақатгина 1927 йилдаги ЎзССРнинг Фуқаролик-процессуал кодексида суд ҳужжатларини ижро этиш тартиби, шу билан бирга Адлия ҳалқ комиссарлигининг 1939 йил 28 сентябрда қабул қилинган “Суд қарорларини ижро этиш тўғрисида”ги Қўлланмаси асосида олиб борилганлиги таъкидланган.

Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки йилларида суд қарорларини мажбурий ижро этиш учун судларда суд ижрочилари бўлганлиги, судда икки ва ундан кўпроқ суд ижрочилари бўлганда улардан бири катта ижрочи ҳисобланганлиги, дастлаб суд ижрочилар фаолиятига оид қонун ҳужжати мавжуд бўлмаган бўлсада, суд ижрочилар ижро иши юритувини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 1993 йил 28 декабрдаги 57-п-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ижро юритиш” ҳақидаги Қўлланмаси асосида олиб борилганлиги қайд этилган.

Муаллиф 2001 йил 29 августда ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 383-сон Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли тузилма – Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жихатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилганлигини судларнинг уларга хос бўлмаган вазифалардан халос бўлиши суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсирдан чиқариш имконини яратган деб таъкидлайди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларини амалга ошириш ва ижро иши юритишнинг самарадорлигини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилганлиги, Суд департаментининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари Бюрога ўтказилганлиги қайд этилган.

Муаллиф томонидан миллий ва хорижий олимларнинг ижро иши юритишнинг ҳуқуқ тизимидаги ўрнига оид фикрлари ўрганилиб, ижро иши юритиш бугунги кунда ҳуқуқнинг мустақил соҳаси эканлиги асослантириб берилган.

Шунингдек, диссертант бошқарув фаолиятини концептуал таҳлил қилиб, мажбурий ижро тизими бошқарув фаолияти тушунчаси ва функцияларига муаллифлик таърифини берган.

Диссертантнинг фикрига кўра, мажбурий ижро тизими бошқарув фаолияти – суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш соҳасидаги касбий меҳнат тури ҳисобланиб, тизимнинг самарали ишлаши, вақт ва куч сарфини қисқартиришга қаратилган мансабдор шахсларнинг бошқарувини таъминлаш бўйича фаолият тушунилади.

Шунингдек, диссертант томонидан ижро иши юритиш алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида шаклланаётганлиги ҳамда хорижий давлатлар (Швеция, Эстония ва Молдова) тажрибасини ўрганиш натижасида Ижро иши юритиш тўғрисидаги кодексини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлиги асослантирилган.

Мазкур диссертациянинг **“Мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида диссертант томонидан Мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини ҳуқуқий асослари қиёсий таҳлил қилиниб, ижро тизими бошқарув фаолияти механизми юзасидан хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган, шу билан бирга прокурор назорати - мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини муҳим таркибий элементи сифатида тадқиқ этилган.

Бунда муаллиф томонидан хориж мамлакатлари мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини амалга ошириш механизмлари ўрганилган.

Диссертант Ўзбекистонда мажбурий ижро органлари фаолиятини ташкиллаштириш ҳамда бош давлат ижрочи ва катта давлат ижрочиларни ҳуқуқий мақомларини белгилашга оид нормаларни миллий қонун ҳужжатларида акс эттириш мақсадга мувофиқлигини асослаб берган.

Тадқиқот ишида муаллиф томонидан миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг давлат ва хусусий бошқарув ижро моделларига оид фикрлари ўрганилиб, Озарбайжон, Арманистон, Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон, Беларус Республикалари, Россия Федерацияси, Германия Федератив Республикаси, Финляндия Республикаси, Швеция Қироллиги, Америка Қўшма Штатлари, Франция, Эстония, Польша Республикаларида мавжуд ижро тизими моделлари таҳлил қилинган. Хусусан, Германия Федератив Республикасида суд ижрочилари нафақат ижро ҳокимиятининг балки суд ҳокимиятининг, яъни одил судлов тизимининг бир қисми ҳисобланади, давлат ижрочилари институтига 1877 йилда ҳуқуқий асос солинган бўлиб, унга кўра: мансаб эгалловчи ва судга чақирилиши муносабати билан мажбуриятларни ижро этувчи ҳамда суд қарорларини ижро этувчи (давлат ижрочилари) мансабдор шахсларнинг хизмат муносабатлари Германия давлатининг Федерал Олий суди ва Адлия вазири, федерал ерларининг судларида эса – Федерал ерларнинг Адлия бошқармалари томонидан тартибга солинганлиги кўрсатиб берилган.

Франция ҳуқуқ тизимида суд ижрочиси (*judicial officer*) бу эркин касб тадбиркори сифатида, малакали ходимларнинг катта штатига эга компания раҳбари сифатида ишлайдиган давлат амалдори, суд ижрочиси қонун ҳужжатларида белгиланган доирада ўз ваколатларини амалга оширган ҳолда ижро иши юритиш тарафлари номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб иш кўриши ёритилган.

Муаллифнинг фикрига кўра, ҳар бир тизим (у хусусий бўладими ёки давлат тизими бўладими) давлат анъаналарига хос равишда фаолият олиб боради.

Шу билан бирга, шақ шубҳасиз, барча давлатлардаги мажбурий ижро органлари олдида турган асосий вазифаларнинг бири - суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш уларни бирлаштириб туради.

Диссертант хусусий тизимнинг салбий томонлари ҳақида фикр билдирар экан, ушбу тизимнинг мақсади аксар ҳолларда юқори даромадга эришиш эканлигини белгилаб, бу ўз навбатида ижро иши юритиш тарафларининг ҳаражатлари ўсишига олиб келишига сабаб бўлади деган фикрни билдирган.

Диссертант прокурор назорати ва ижро иши юритишни ташкил этиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш орқали дунё мамлакатларида прокуратура органларининг мақоми ва ваколатлари бир биридан ажралиб туриши ҳақидаги фикрларни асослаган. Бунда муаллиф дунё мамлакатларида

прокуратура органларининг асосий функцияларидан келиб чиқиб, уни икки турдаги кўринишга ажратган. Биринчиси жиноий таъқиб функциясини амалга оширувчи прокурорлар (АҚШ, Франция, Германия, Италия давлатлари), иккинчиси бу қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишдир (Россия Федерация, Хитой Халқ Республикаси).

Муаллиф дунё мамлакатлари прокуратура органлари фаолиятини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил усули орқали, мамлакатимизда мажбурий ижро тизими ўзига хос хусусиятларидан бири бу қуйи турувчи раҳбарларнинг юқори турувчи раҳбарларга, шунингдек, Бош прокурорга бўйсунуши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатишини белгилайди. Диссертант фикрига кўра, Бюро раҳбариятини тўғридан тўғри Бош прокурор олдида ҳисобдорлиги прокуратура органлари ходимларига билдирилган ишонч ва уларга юклатилган вазифаларни бажаришда масъулиятини оширади деб баҳоланади.

Буни муаллиф, 2017 йилда бошланган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар мажбурий ижро тизимида икки томонлама бўйсунув ўрнатганлиги, яъни Бюро ўз фаолиятини Бош прокурор ва Бюро директорининг соҳавий буйруқларига бўйсинган ҳолда амалга ошириб келаётгани билан асослайди.

Шу билан бирга, муаллиф ҳуқуқшунос олимлар фикрлари ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш орқали мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини амалга оширишда назорат функцияларини уч шаклга: прокурор назорати, идоравий назорат ва жамоатчилик назоратига ажратишни таклиф қилган.

Бундан ташқари, диссертант фикрига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 ноябрда қабул қилинган “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6118-сон Фармони билан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш бўйича республика ва ҳудудий кенгашларни ташкил этилиши орқали Мажбурий ижро органларининг фаолияти шаффофлиги ва очиқлиги таъминланмоқда, бу эса жамоатчилик назорати амалга оширилаётганлигининг яққол намунаси бўлиб ҳисобланади.

Мазкур диссертациянинг **“Мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари”** деб номланган учинчи бобида хорижий мамлакатларнинг мажбурий ижро тизими бошқарув фаолияти соҳасидаги тажрибаси ва ҳуқуқшунос олимлар фикрлари мужассамлаштирилган ҳолда Ўзбекистонда мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини такомиллаштиришга оид ҳуқуқий нормаларни татбиқ этиш юзасидан таклифлар илгари сурилган.

Бунда муаллиф давлат ижрочилар қабул қилган қарорларнинг Мажбурий ижро бюроси бошқаруви субъектлари томонидан бекор қилиниши ҳолатлари кўплигини, бироқ уларни бекор қилиш механизми ва процессуал тартиби суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишга оид қонунчиликда ўз аксини топмаганлигини инобатга олган ҳолда, давлат ижрочиларнинг қарорларини бекор қилишнинг процессуал тартибини белгилаш таклифини илгари сурган.

Бўйсунув тартибда шикоятларни кўриб чиқиш юзасидан МДХ аъзо давлатлари қонунчилиги ўрганиб чиқилганда, хусусан, Россия Федерацияси (“Ижро ишени юритиш тўғрисида”ги Федерал Қонунининг 123-моддаси), Беларус Республикаси (“Ижро ишени юритиш тўғрисида”ги Қонунининг 125-моддаси), Қирғизистон Республикаси (“Суд ижрочилари мақоми ва ижро ишени юритиш тўғрисида”ги Қонуннинг 18-боби) қонун ҳужжатларида бўйсунув тартибда шикоятни кўриб чиқиш процессуал тартиби ўз аксини топган.

Диссертацияда мажбурий ижро тизими бошқаруви мансабдор шахслари, яъни Бош давлат ижрочилари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан давлат ижрочисининг қарорини бекор қилиш механизмини ишлаб чиқиш сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиши тўғрисидаги хулосага келинган.

Диссертант томонидан “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунга “Ижро ҳужжатларини ижро ишени юритишнинг соддалаштирилган тартибда ижро этишнинг ўзига хос хусусиятлари”ни назарда тутувчи янги 3<sup>1</sup>-бобни киритиш, унда ижро ишени юритишнинг соддалаштирилган тартибда мажбурий ижро этиш қарздорнинг мол-мулкига дахл қилмаган ҳамда қарздорга нисбатан ҳуқуқий таъсир ва жавобгарлик чоралари қўлланилмаган ҳолда амалга оширилишини белгилаш зарурлиги исботланган.

Муаллиф томонидан мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини оптималлаштириш мақсадида давлат ижрочилари иш юритувига энг кўп келиб тушаётган ижро ҳужжатлари таҳлил қилиниб, улар бўйича ижро ҳаракатларини амалга ошириш жараёнини тез ва қулай бажариш имконини яратиш таклиф этилган.

Бунда, жисмоний шахслардан маъмурий жарима, солиқ қарзи ва давлат божларини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларининг ижросини таъминлашда соддалаштирилган мажбурий ижро ишени юритиш тартибини жорий этиш назарда тутилган.

Муаллиф ижро ишени юритишнинг соддалаштирилган тартибда қўлланиладиган мажбурий ижро этиш чоралари сифатида:

- 1) ундирувни қарздор жисмоний шахснинг банклардаги ҳисоб варақларида турган пул маблағларига қаратишни;
- 2) меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кўп бўлмаган миқдордаги суммани ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни қарздорнинг иш ҳақи ва бошқа турлардаги даромадларига қаратишни таклиф қилган.

Диссертант суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этилишида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг доираси ва предмети белгиланмаганлигини қайд этиб, бу соҳада прокурор назорати предмети белгиланиши прокурорнинг процессуал ваколатларини мустаҳкамлашга асос бўлиб хизмат қилишини асослантирган.

Бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, прокурор назорати предмети аниқлаш, прокурорлар томонидан муайян соҳада бажарилиши лозим бўлган вазифаларни аниқ белгиланишида хизмат қилади.

Жумладан, Б.Коробейников таъкидлаганидек, прокурор назоратининг натижадорлиги ҳамда самарадорлигини ошириш учун прокурор назоратининг предметини, шунингдек қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг таркибини ҳар томонлама ўрганиш лозим.

Ушбу фикрга ўхшаш фикрни яна бир рус олими А.Х.Казарина ҳам билдирган: “прокурор назоратининг оптимал моделини танлаш унинг предмети тушунчасини тўғри тушунишдан иборат эканлиги, чунки ушбу тоифа орқали прокуратура органлари фаолиятининг моҳиятини очиб бериш мумкин”.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддасига кўра, қонунлар ижроси устидан назорат предмети сифатида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги белгиланган. Қайд этиш лозимки, айрим ҳуқуқшунос олимлар қонунлар ижроси устидан прокурор назорати предметини ёритишда ушбу модда мазмунидан келиб чиққан ҳолда ёндашган. Жумладан, ҳуқуқшунос олим Б.Х.Пулатов “назорат предметини: вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги ташкил қилади” деб ҳисоблайди.

Муаллиф томонидан “суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предмети - давлат ижрочилар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларига мувофиқлиги, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиниши устидан назоратни олиб бориш” деган фикр илгари сурилган.

Диссертант Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига прокурор назорати йўналишларидан бири сифатида қуйидаги мазмундаги нормани киритишни таклиф этган:

“суд ҳужжатлари ва бошқа органлар қарорлари ижро этишда қонунлар ижроси устидан назорат қилиш”.

Шу билан бирга, муаллиф томонидан прокурорнинг ижро иши юритиш жараёнидаги назорат функциясини амалга ошириш ваколатлари ўрганиб чиқилган.

Тадқиқот жараёнида сўровномада иштирок этган 64,6 % респондентлар прокурорлар томонидан энг кўп протестлар келтириладиган қарорлар - қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаганлиги ва унинг мол-мулки ёки даромадларини қидириш юзасидан давлат ижрочиси томонидан қонунда йўл қўйиладиган доирада кўрилган барча чоралар натижасиз бўлганлиги боис ижро ҳужжатларида кўрсатилган ундирув амалга оширилмаган ёки қисман амалга оширилмай ундирувчига қайтарилганлиги ҳақидаги қарорлар (“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни, 40-моддаси биринчи қисми 3-банди) ташкил этади, деган фикрни билдирган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 ноябрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6118-сон Фармони ва 2022 йилнинг 11 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-762-сон “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда мазкур соҳа йўналиши бўйича қонунлар ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш мақсадида Бош прокурорнинг 2015 йил 28 декабрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 128-сонли соҳавий буйруғига ўзгартиришлар киритиш таклиф қилинган.

## ХУЛОСА

Мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини ҳуқуқий таъминлашга бағишланган тадқиқот натижасида тегишли илмий-назарий хулосалар, қонун нормаларини такомиллаштириш, уларни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга доир куйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

### **I. Илмий-назарий таклиф ва хулосалар:**

1. Мажбурий ижро тизимининг тарихи ва унинг шаклланиши ўрганилиб, бугунги кундаги ижро тизими билан ўзаро фарқлари аниқланди:

биринчидан, муқаддам қарор ижросини таъминлаш учун ихтиёрий муддат судлар томонидан белгиланган бўлиб, улар томонидан қабул қилинган қарорларда қайд этилган. Ҳозирда эса мазкур ихтиёрий муддатни давлат ижрочининг қарорида кўрсатилиши белгиланган;

иккинчидан, ҳозирги кунда ахборот технологиялари юқори суратларда ривожланиши, жамият ва давлат ҳаётида кескин ижобий ўзгаришларнинг юз беришига сабаб бўлиб инсоният тараққиётини янги босқичларга олиб чиқаётганлигига сабаб бўлмоқда;

учинчидан, ҳозирги ижро тизимининг афзал томонларидан бири шундан иборатки, давлат ижрочиси юридик маълумотга эга бўлиб, хизматга қабул қилинган кундан бошлаб бир йилдан сўнг аттестациядан ўтказилиши лозим.

2. Мажбурий ижро бошқарув фаолиятига муаллифлик таърифи шакллантирилди: “Мажбурий ижро тизими бошқарув фаолияти – суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш соҳасидаги касбий меҳнат тури бўлиб, тизимнинг самарали ишлаши, вақт ва куч сарфини қисқартиришга қаратилган мансабдор шахсларнинг бошқарувини таъминлаш бўйича фаолият” ҳисобланади.

3. Мажбурий ижро бюросига юклатилган вазифаларидан келиб чиқиб, мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятининг асосий функциялари қуйидагича белгиланди:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлашда ходимлар олдига қўйилган вазифаларни аниқ ва ўз вақтида бажаришларини назорат қилиш;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаш ёки ижро этилишига тўсқинлик қилиш, ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бошқа тарзда бузилганлигига доир ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда ходимларни масъулиятини ошириб бориш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш, ижро ҳаракатларини амалга оширишдаги ишларни тўғри ташкиллаштириш;

